

# Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OЛИЙ MAЖЛИСИ VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAЗИPЛАP MAҚАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

4 июнь, чоршанба, 1997 йил  
Сотувда эркин нархда. № 119 (1636)

## БИЗ АБАДИЙ ЕЛКАДОШ ХАЛҚЛАРМИЗ



### ҚОЗОҒИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ И. А. КАРИМОВНИ «АЛТЫН ҚЫРАН» (ОЛТИН БУРГУТ) ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**  
1. Қозоғистон ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги дўстлик, қардошлиқ ва ўзаро ишончини, иқтисодий ва мулоқоат соҳаларида давлатлараро ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустақамлашга қўшган шахсий улкан ҳиссаси, Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва тинчликни мустақамлаш борасида қатъий ҳаракат қилаётгани учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов «Алтын қыран» (Олтин бургут) ордени билан мукофотлансин.  
2. Ушбу Фармон имзоланган кундан бошлаб кучга кирсин.

Қозоғистон Республикаси Президенти  
**Н. НАЗАРБОВЕВ.**

Алмати, 1997 йил 2 июнь.



### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 2--3 ИЮНЬ КУНЛАРИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ҚОЗОҒИСТОНДА БЎЛДИ.

Президентимизнинг Қозоғистонга ташрифининг расмий қисми ушбу мамлакат Президентини Нурсултон Назарбоев билан яққамма-яққа учрашудан бошланди. Унда икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар, иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик, шунингдек, ҳар икки томонни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди. Мулоқот давомида Президентлар халқаро ва минтақавий хавфсизлик муаммолари, жумладан, Афғонистондаги вазият ҳусусида ҳам бафуржа фикрлашди. Икки давлат раҳбарлари азалий қўшничилик, қардошлиқ ришталарига таянган Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатлари жадал суръатлар билан ривожланиётгани ҳам алоҳида қайд этиб, бу муносабатлар иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш, ўзаро ҳамкорлик ва шерикликни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳамжи сўнгги вақтларда бир мунча пасайди. Шу боис, икки давлат раҳбарларининг юзма-юз суҳбати чоғида ва Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон делегацияларининг музокараларида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Муайян таклифлар киритилди ва бундай сўй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ, қабул қилинган ҳужжатлар қаторида эркин савдо тўғрисидаги ҳужжатларор битим имзоланди.

Музокаралар давомида икки мамлакат ўртасидаги нафақат савдо-иқтисодий, балки Орол муаммоси, Осиёда ҳамжиҳатлик ва ўзаро ишонч метёбларни кенгайтириш жараёни, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ҳамкорлигини давомлаштираётган «Центразбанк» банки фаолияти билан боғлиқ кўплаб бошқа масалалар ҳам атрафлича муҳокама қилинди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Президентимиз

нинг Қозоғистонга расмий ташрифи ҳар жиҳатдан фойдали бўлди. Чунки айнан мана шу ташриф чоғида ўндан ортиқ ҳужжат имзоланди. Сармоёларни ҳимоялаш, саноат сармоясини муҳофаза қилиш, электр ва почта алоқаси, темир йўл, атраф-муҳит тозаллигини асраш ва табиий бойликлардан тўғри фойдаланиш, ҳуқуқий ахборот алмашишда ҳамжиҳатлик билан ишлаш тўғрисидаги бу ҳужжатлар, албатта, юксак даражада ривож топган Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларини янада мустақамлашда ҳамда мамлакатларимизнинг ҳамкорлик ва шериклик алоқаларини янги боқичга олиб чиқди.

Имзоланган ҳужжатлар қаторида икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Қозоғистон ҳукуматлараро комиссиясини тузиш ҳақидаги протокол ҳам гоёт муҳим аҳамиятта моликдир. Зеро, бугунги кунда гарчи ҳар икки мамлакат ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бораётган бўлса-да, бу мақсадни амалга ошириш учун икки имкониятлар ва шарт-шароитни ҳисобга олмасликнинг иложи йўқ. Жўрғофий жойлашуви, иқтисодий салоҳияти, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаолиги, қолаверса, менталитети ва дунёқараши каби омиллардан келиб чиққан ҳолда ҳар икки мамлакатда ҳам фақат уларнинг ўзигагина хос бўлган ислохотлар ўтказилмоқда. Шу боис, Ислам Каримовнинг Қозоғистонга расмий ташрифи чоғида юқорида номини зикр этилган протоколга имзо чекилди. Бу протокол икки томонлама ҳамкорликнинг оқсаятган жиҳатларини бартаф этиш, муайян мақсадларни амалга ошириш йўлида ҳар икки томон учун манфаатли бўлган режалар ишлаб чиқиш, ҳукуматлар, вазирлик ва идоралар, корхоналар даражасидаги алоқаларни мувофиқлаштириш

улкан ҳиссаси, Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва тинчликни мустақамлаш борасидаги буюк хизматлари учун сазовор бўлди.

Ҳукуматлараро ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун маъбулот анжумани ўтказилди. Икки давлат раҳбарлари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарар экан, халқларимизнинг азалий қардошлиги, биродарлик ва яқинликка асосланган дўстлиги бугунга келиб, юксак даражада ривожланганини қайд этидилар. Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Президентининг Қозоғистонга расмий ташрифи ҳақида гапириб, ушбу ташрифни ҳар икки мамлакатнинг ривожланган ва мустақам интеграцияга интилишининг далили ҳамда муносабатларимизни чуқурлаштиришдаги муҳим бурилиш нуқтаси, дея изоҳлади.

Мамлакатларимиз мустақилликка эришгач, сиёсий ислохотлар билан бир қаторда иқтисодий ислохотлар ҳам бошлаб юборилди, -- деди Қозоғистон Президенти. -- Бу йўлда қанчадан-қанча қийинчиликларга дуч келдик, аҳолининг турмуш даражаси пасайди. Лекин, ҳозир қомил ишонч билан айтиш мумкинки, қийин давлар аста-секин ортада қоляпти, иқтисодий салоҳиятимиз ўсиб, жаҳон мамлакатлари орасидаги мавқеимиз юксалиб бормоқда. Бу борада минтақадаги тинчлик ва барқарорликнинг қанчалар катта аҳамиятта молик экани барчага маълум. Шу ҳусусда, бир нарсани таъкидлаб ўтишни жоиз деб биламан: Марказий Осиёдаги хавфсизлик кўп жиҳатдан Ўзбекистоннинг нуқтаи назари билан бевосита боғлиқ.

Ўз навбатида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатлари ҳақида гапи-

риб, иқтисодий, ташқи сиёсат масалаларида муайян уйғунлик мавжудлигини, халқларимизнинг умумий жиҳатлари жуда кўп эканини таъкидлади. Шунингдек, Ислам Каримов тарихан ягона дин, битта тил, бир хил урф-одат ва анъаналарга эга бўлган ва бугунга келиб ҳам ана шу яқинлигини йўқотмаган халқларимиз икки давлат ўртасидаги муносабатларимиз равақидан бир хилда манфаатдор эканини қайд этди.

Ўзбекистон кўплаб давлатлар билан дўстона муносабатлар ўрнатган, лекин биз Қозоғистонга алоҳида эътибор билан қараймиз, -- деди мамлакатимиз раҳбари. -- Биз ҳаммиса Қозоғистоннинг қувончига шерик, қайғусига ҳамлард бўлган, қайғусига ҳамлард бўлган. Ўзбекистон эришяётган ютуқлар Қозоғистон аҳлини қувонтириши, камчиликлар эса, безовта қилишига ҳам қатъий ишонаман. Шу боис айтмоқчиманки, биз тарихан елкадош эдик, бундан буён ҳам ҳаммиса ёнма-ён бўлаемиз. Мавжуд қийинчиликларни биргаликда бартаф қилаемиз ва бундай жиҳатлар яқин халқларимизни янада яқинлаштирилади.

Матбуот анжуманида Афғонистондаги вазиятга ҳам эътибор қаратилди. Президентлар бу ҳусусда ягона нуқтаи назарда эканликларини билдирдилар.

Биз толибларни қурашяётган томонлардан бири, деб билаемиз, -- деди жумладан Ислам Каримов, бу тўғрида гапирар экан. -- Масаланинг бизни қониқтирмаётган томони шундаки, «Толибон» муаммоларини қурол билан ҳал этишга интиляпти. Бу ҳол ва умуман Афғонистондаги вазият Марказий Осиё минтақасидаги барқарорликни хавф остига қўймоқда. Биз бу давлатнинг ички ишларига аралашмаймиз ва у ердаги можарони музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал қилиш лозимлигини тақдор ва тақдор таъкидлаймиз.

Қозоғистонга расмий ташрифининг иккинчи кунинда Президент Ислам Каримов Алматыдаги республика майдонига ташриф бурди. Бу ерда мамлакатимиз раҳбари Мустақиллик монументига гул қўйди. Шундан сўнг, Ислам Каримов 28 панфиловчи боғидаги давлат бошиқлари хибонига келиб, бу ерга қўчат ўтказди.

Шу кунин Президент Ислам Каримов «Кателко» деб номланган Қозоғистон телекоммуникациялари диссалорлик жамиятида бўлди. Мамлакатимиз раҳбари бу ерда замонавий телекоммуникация қурилмалари, электр ахборотни назорат қилиш жиҳозларини кўздан кечирди, шаффоф толаги қитъаларо линиялар қурилиши ва янги лойиҳалар билан танишди.

3 июнь кунин Президент Ислам Каримовнинг Қозоғистонга расмий ташрифи ўз ниҳоясига етди. Алматы аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Қозоғистонга расмий ташриф чоғида Президент Ислам Каримовга Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, Бош вазир ўринбосарлари К. Раҳимов, Қ. Ҳаққулов, ташқи ишлар вазири А. Қомиллов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ғаниев, ақлия вазири С. Мирсафоев ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Шу кунин Президент Ислам Каримов Алматыдан Тошкентга қайтиб келди. Аэропортда мамлакатимиз раҳбарини Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир У. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Фуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

**Анвар БОБОВЕВ,**  
ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ,  
Алмати -- Тошкент (ЎЗА).  
СУРАТЛАРДА: расмий ташриф пайти.  
С. ЗУФАРОВ  
олган сурат.

## ТЕМИР ЙЎЛЛАР ҲАМКОРЛИГИ ТАШКИЛОТИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ XXV СЕССИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Мухтарам сессия иштирокчилари!  
Сизларни Ўзбекистон пойтахти -- Тошкент шаҳрида самимий қутлайман.

Темир йўллар ҳамкорлиги ташкилоти Европа ва Осиё мамлакатлари ўртасидаги темир йўл қатнови тараққиётига ва уни такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшиб келаятгани яхши маълум. Жаҳон коммуникацияларига чиқишини таъминлайдиган янги йўналишлар ишлаб чиқиши ва ўзлаштирилиши барча давлатларнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келишига ишончим қомил. Шу муносабат билан вазирлар кенгаши сессияси муҳокамасига қўйилган масалалар жуда муҳим аҳамиятта эга.

Сизларнинг XXV юбилей сессиянгиз муҳим жўрғофий-стратегик ўрин эгаллаган Ўзбекистонда ўтмоқда. Шарқ ва Ғарбни бирлаштирган Буюк Ипак йўли ҳам қадимда Ўзбекистон ҳудудидан ўтган эди. Бу ерда савдо йўллари бир-бири билан туташган, ташқи алоқалар ва турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитиш жараёни жадал кечган эди.

Бугунги кунда темир йўл транспорти республикамиз иқтисодиётида етакчи ўринлардан бирини эгаллаган ҳолда умум фойдаланиладиган транспортнинг барча турлари бўйича юк ташишининг асосий қисмини таъминлайди. Ўзбекистондаги мавжуд темир йўл тармоқлари бой ўлкамизнинг асосий табиий ва маъдан-ҳомашё манбаларига кенг йўл очибгина қолмай, халқаро транспорт тизимларига қўшилиши имконини ҳам беради. Бугун бу ерда Европа ва Яқин Шарқдан Осиё-Тинч океани минтақасига олиб борадиган йўллар туташмоқда.

Давлатларнинг темир йўллар ҳамкорлиги ташкилоти доирасида ўзаро самарали алоқалари интеграция жараёнларини чуқурлаштиришга, иқтисодий тараққиётга ва барча мамлакатлар халқларининг фаровонлигини оширишга ёрдам беришига аминман.

Юбилей сессияси иштирокчиларига самарали ишларини тилайман.

Ислам КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

### БОЗОР ИСЛОХОТЛАРИ ЙЎЛИДА

## ТОШКЕНТ САМОЛЁТСОЗЛАРИНИНГ ЯНГИ ПАРВОЗИ

**«Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамиятида унутилмас воқеа юз берди: корхонанинг 65 йиллик тарихида биринчи марта унга Ил-114 самолётини ишлаб чиқариш ҳамда Ил-76 ТД самолётини қайта тиклаш юзасида таъмирлаш ҳуқуқини берадиган халқаро сертификатлар топширилди.**

Бу воқеага самолётсозларимиз С. Ильяшин номидида авиация комплекси мутахассислари, давлатлараро авиация қўмитаси ва бошқа ташкилотларнинг мутахассислари билан биргаликда кўп йиллар давомида тайёрларлик қўрилди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган ҳаво кемасида йўловчилар ташиш бошланишидан олдин юзлаб синов парвозлари ўтказилди.

Сертификатларни топшириш ва «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамияти иши билан танишиш учун пойтахтимизга Россия Федерацияси савдо-саноат доиралари вакилларининг катта гуруҳи келди.

3 июнь кунин Тошкент авиация бирлашмасининг асосий йиғув чехида тантанали митинг бўлди. Унда корхона меҳмонлари, шу жумладан С. Ильяшин номидида авиаконструкторлик бюросининг бош конструктори Г. Новажиков, Давлатлараро авиация қўмитаси раиси Т. Анодина, Ўзбекистондаги бир қанча вазирлик ва идораларнинг, жамоатчилик ва корхона меҳнат жамоасининг вакиллари иштирок этди.

Республика Бош вазири У. Султонов самолётсозларини Ўзбекистон иқтисодиётини мустақамлашда катта истиқболлар очиб берадиган улкан ғалаба билан қутлади.

Тошкент авиация бирлашмаси бош директори В. Курчеров ҳамда сўзга чиққан бошқа нотиялар акционерлик жамиятига топширилган сертификатлар хорижий мамлакатлар учун Тошкентда тежамли ва ишончли Ил-114 самолётларини ишлаб чиқаришга, Ил-76 ТД самолётларини сифатли таъмирлашга, қўшма корхоналар ва авиациянинг компанияси барпо этишга имкон беришини таъкидладилар.

Тантанали митингда Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тулаганов иштирок этди. (ЎЗА).

## ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТ ЎРНАТИЛДИ


Москвадаги Ўзбекистон Элчихонасида 1997 йил 30 май кунин Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва Мухтор вэлчиси Ш. Шохалилов ва Кипр Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва Мухтор вэлчиси П. Кириакидес икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди ҳақидаги протоколни имзолашди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги.

МУХБИР САФАРДАН ҚАЙТДИ


«Маълумки, Қашқадарё вилояти ўзининг ишлаб чиқариш кўлами ва деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш бўйича мамлакатимизда салмоқли ўрин эгаллайди. Жумладан, вилоятнинг пахта ва дон етиштиришдаги ўрни катта. Мамлакатимизнинг ривож ва тараққиёти асоси бўлмиш ёнилгини етказиб бериш маконидир».

Ислом ҚАРИМОВ.



1995 йил 29 ноябрда Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг сессияси бўлган эди. Президентимиз ушбу сессияда сўзлаган маърузасида вилоят меҳнатқашлари қўлга киритган ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни ҳам атрафлича таҳлил қилиб берган эди. Хусусан, қишлоқда қўшимча иш ўринлари барпо этиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, халқ таълими тизимини ислох қилиш, маънавий-ахлоқий кадрлар кийматини кўтариш масалаларига эътибор қаратилганди. Мана, орадан бир ярим йилдан кўпроқ вақт ўтди. Сессияда айтилган эътирозлардан жойлардаги раҳбарлар қандай ҳалоса чиқариб олдилар? Вилоятда бугунги иқтисодий-ижтимоий ҳаёт тарзи қандай? Воҳанинг меҳнатқаш, гайратли, камсуқум, жойи келганда эса, чўрткесар одамлари турмушда ислохотлар самараси сезилаётми? Хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида давлат томонидан берилётган эътибор ва имкониятлардан қандай фойдаланилмоқда?

Мухбиримиз сафар давомида ана шу ва бошқа саволларга жавоб топишга ҳаракат қилди.



1. ИСЛОХОТ САМАРАЛАРИ

Вилоят маркази -- Қарши шаҳрини айланган кўши, гапнинг очиги, кейинги бир ярим йил ичида бу ерда анча-мунча ўзгаришлар юз берганига амин бўлади.

Айниқса, ободончилик ишларида жиддий эътибор берилётгани шундоқкина кўриниб турибди. Йўл четларида ораста бўлган ва оқланган дараклар, хусусийлаштирилган бекатларда миллий услубда қурилган ва қурилаётган тижорат кўчалари кўзга ташланади. Маданият ва истироҳат боғларида ҳам қайта таъмирлаш ишлари олиб борилиб, болаларга қўнғилоч майдончалар, фавора ва сувли салқинлаткичлар ўрнатилган. Буларни кўриб шўшодон қийқириб ўйнаётган кичкинтойлар қувончига беҳишёр шерик бўласан, киши. Бир пайтлар қаровисиз ташлаб қўйилган XIV аср обидаси Қашқадарё наҳри устига қурилган ўн бир ровоқли кўприк қайта таъмирланиб, асл ҳолига келтирилгани, айниқса, кишини қувонтиради. «Дарвоза тутак» маҳалласида эски услубдаги уйларда яшаётган аҳоли замонавий уй-жойларга кўчирилиб, Бекмир ота ва Қилчибой мадрасалари атрофи ободонлаштирилаётгани эса ўтмишга ҳурмат, келажак авлодга бу тарихий обидаларни шикастсиз етказиш маъсулияти устувор эканлигидан дарак бериб турибди.

Нафакат шаҳарда, балки вилоятдаги спорт иншоотларини ободонлаштириш, янги теннис кортлари, стадионлар қуришга ҳам эътибор катта. Хусусан, шу йил «Наврўз» байрами арафасида Қарши шаҳрининг ўзида 50 млн. сўмлик таъмирлаш, қайта қуриш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилган. Соғломлаштириш маҳжми, «Қарши» стадиони миллий услубда қайта қурилиб, Баҳористон, Муборак, Нишон, Китоб ва бошқа туманлар марказларида қатор стадионлар, теннис кортлари ишга туширилган.

Айни кунларда «Шўртангаз» газ конлари бошқармаси ва «Ўзбекнефтегазқидрув» бирлашмаси ҳудудларида эса ёпиқ теннис кортлари жадвал барпо этилаётди. Вилоятда, шунингдек, капитал қурилиш, транспорт, алоқа хизмати, ёқилғи-энергетика соҳаларида ҳам ижобий ўзгаришлар юз берапти. Масалан, биригина алоқа тизимини оладиган бўлсак, Германиянинг «Алкател» фирмаси билан ҳамкорликда Шаҳрисабз шаҳрида 10 минг рақамли, Баҳористон тумани марказида эса Туркиянинг «Неташ» фирмаси кўмагида 1,5 минг рақамли АТСлар тикланди. Шу йил охиригача яна Қарши шаҳрида 25 минг рақамли АТСларни ишга тушириш мўлжалланган. Бу юмушларни Индонезиянинг «Бақри» корпорацияси, Япониянинг «НИК», Германиянинг «Алкател» фирмалари мутахассислари олиб боришапти.

Маълумки, вилоят нефть маҳсулотли ва электр энергияси ишлаб чиқаришда мамлакатда етакчи ўрин тутди. Айниқса, Муборак газни қайта ишлаш заводида йилга 2 миллиард кубометр газни тозалаб берувчи 15-блок, Алан конларида эса йилга 5 миллиард кубометр газни комплекс қайта ишловчи қурилмалар фойдаланишга топширилган, бу корхона ўз қуввати бўйича дунёда иккинчи ўринга чиқиб олди.

Вилоятда ўтган даврда чет эл инвестицияларини жалб этган ҳолда қўшимча корхоналар барпо этилди. 1996 йилда «ЎзМАЛ-Ойл», «Ўздуробита», «Компас сервис», «Аср» қўшимча корхоналарида 53 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, аҳолига алоқа хизмати кўрсатилди.

Айни кунларда Вазиранг Маҳкамасининг 1996 йил 11 ноябрдаги «Полиэтилен иш-

лаб чиқарадиган «Шўртангаз» кимё мажмуи қурилиши тўғрисидаги қарорига асосан, «Шўртангаз» газ конлари бошқармасида йилга 125 минг тонна полиэтилен ишлаб чиқарадиган корхона қуришга ҳозирлик қўрилмақда. Шу мақсадда Германиянинг «АББ Лумбус Глобал», Япониянинг «Нишо Иваи» ва «Мицуи» компаниялари билан ҳамкорликда лойиҳалаш ишлари оли-

ИМКОНИЯТ

борилаяпти. Хорижий сармоялар иштирокида барпо этиладиган «Ўзталмед» Ўзбекистон -- Италия қўшма корхонаси эса вилоят ва мамлакат аҳолисининг дори-дармонга бўлган эҳтиёжини қондиради. Бу қўшма корхона лойиҳасининг умумий қиймати 30 миллион 640 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, у тўлиқ қувват билан ишга тушган, йилга 15 миллион дон 0,5 литрлик инфузион эритмалар, 2500 тонна гипроксид пахта, 40 млн. донга гигиеник пакет, 200 тонна тиббий пахта ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Айтишлари-ча, корхона қурилишига кетган барча харажатлар икки ярим йилда тўлиқ қопланади. Буларнинг бариси санаят, ёқилғи-энергетика, алоқа тизими соҳаларида олиб борилаётган ислохотларнинг ижобий натижасидир.

**КАРЗ НИМАЛИГИНИ БИЛМАЙДИГАН ХЎЖАЛИК** Қашқадарё воҳасининг иқлим шароити бошқа вилоятлардан фарқ қилиши, чўл зоналарида маҳсулот етиштириш машаққатли эканлиги, сув таъминоти борасида муаммолар мавжуд бўлишига қарамай, бир қатор хўжаликлар мулкчилик шаклини ўзгартириб, ҳам жамоа, ҳам давлат қозонини мойга ботираюпти. **МАЪЛУМОТ**

«Қасби туманидаги Шароф Рашидов номли хўжалик 1996 йили ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Кишиларида мулкка эгаллик ҳиссини, мулкни авайлаб-асраш тўғрисида камол топтириш учун, аввало, мулкдорларни аниқлаб олиш керак эди. Мулкдор бўлишга лозим деб топилган, энг кўп иш тажрибасига эга бўлган 2928 нафар кишининг бир пай улushi 121 минг сўм қилиб белгиланди. Ўтган йили уларга қўлга киритилган соф фойданинг 20 фоизи, яъни 4 млн. 700 минг сўм дивиденд ҳисобида бўлиб берилди».

Пайчилик усули дастлаб жорий этилганда, вилоятдаги бошқа хўжалик ва ташкилотларнинг раҳбарлари бу янгиликка писанда қилиб: «Бу ҳам бир кампаниячилик» деб, қўл силташган эди. Бирок янги усулнинг шарофати туфайли жамият аъзолари бугунги иқтисодий тақчиллик даврида ҳам бой-бадавлат яшамоқда.

Хизмат юзасидан кўпгина вилоятларда бўлиб, хўжалик раҳбарлари билан суҳбатлашганимда, ҳар доим ҳам бир хил жавоб оламан: «Ака, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, электр қуввати, ўғит ва уруғликнинг нархи кундан-кунга ошиб борапти».

Ана шундай «теран» фикрловчи «салохиятли раҳбарлар» борики еб битириб, хўжаликни қулоғича қарзга ботириб, аравини тўрт тарафга бирдай тортиб, жигиддан айирай деб турган бир пайта, бу жамоа



ахли 1996 йилни 22 млн. сўм соф фойда билан яқунлашди. Рентабеллик даражаси эса 24,5 фоизни ташкил этди.

Бунинг сирини нимада? Аслида, бу ерда сирли сандикнинг ўзи йўқ. Даромад манбаи эса одамларнинг удабуронлиги-ю, меҳнатдан қочмаслигида. Кам гапириб, кўпроқ иш билан банд бўлишида. Бирор бир муаммо туғилгудек бўлса, бамаслаҳат иш юритиб, муштни бир жойга қўя олишида.

Дарҳақиқат, хўжаликнинг қайси бир хондонига бош суқманг, узаро аҳиллик намунасини, меҳнат натижасидан мамнулик туйғусини сезасиз. Хўжалик идораси ҳолдасидики орасталиқдан ақингиз шोшадди. Атроф тўла мевали дараклар, Ишқомга таралган, сал нарироқдаги ер тоқлардаги қийғос ҳосилни кўриб, ҳавасинг келади. Йўлакларга ўрнатилган мовийранг чироқлар эса ҳовлига янада фойда киритиб турибди. -- Мана бу куббали чироқларни фақат байрамларда ёқамиз, -- дейди хўжалик

раҳбари Амрулло Чориев йўлакка ишора қиларкан. -- Одамларнинг кўтаринки кайфиятига нима етсин! Хўшқайфият эса доимо муваффақият келтиради. Менинг хўжаликка келиб, англаган фалсафам шу бўлди. Идора ҳовлисида темир лавҳаларга ҳафса билан чиройлик қилиб битилган ибратомуз ҳикматли сўзларда ҳалоллик, эътиқод, ҳуқуқ ва бурч, жамият ва давлат олдидаги маъсулият акс этган.

Хўжалик далаларини айланамиз. Қирқ гектарлик галлазорда пишиб қолган бугдойни кўриб, ҳайратландик чоғи, А. Чориев бизга юзланаркан, изоҳ берди: -- Бунинг гайриоддийли-

ИМТИЁЗ ЭМАС



ги табиий. Чунки у маҳаллий нав эмас. Бунинг номи -- «Юна». Иккита зvenoга бўлиб берганмиз. Шамси Раҳимов 25 гектарга, Зибдулло Қурбонов эса 15 гектарга эгаллик қилапти. Икки томонлама шартнома тузилган. Звеночилар бизга 45 центнердан дон топширса бўлгани, режадагидан ошқича ҳосил уларники.

-- Сизнинг-ча, шу майдондан қанчадан ҳосил олиш мумкин? -- 60 центнердан.

-- Демак, звеночилар ҳар бир гектар ҳисобига 15 центнердан даромад қилишаркан-да! -- Албатта.

-- Ахир бу айрим хўжаликларда етиштирилаётган ялли ҳосилдорларга тенг-ку?!

-- Шундай. Бизда аҳоли манфаатдорлиги -- бош мезон. Меҳнатнинг иссиқ-сувоғи, оғир-енгли дегандай... Шулардан бўйин товланма, виджондан ишлаб, экин агротехникасига жиддий эътибор бериб, ҳосилга хайру барака эндирибдими, қандини урсин! Қолаверса, бу ҳосилдан фақат уларнинг ўзлари манфаатдор эмас. Биринчи 8 нафар, бошқасида 4 нафар зveno аъзоси бор. Бошқача айтганда, режадан ошқича ҳосил 14 кишига тақсимланади.

Пахтачилик ҳосилда ҳам зveno ва ширкат усулининг қўлланилиши наф берапти. Ҳар ким ҳосил тақдирини ўзи ва оиласи манфаатдор эканини тўлиқ ҳис этиб, меҳнат қилади. Эрта баҳордан то қузғача, ҳатто хирмон бошида ҳам раҳбар зveno бошлиғига, у эл аъзосига «Сен ундай эмас, бундай ишла» деб кўрсатма берамайди. Аслида, ҳар бир киши ўз зиммасидаги маъсулиятни англаб иш қилгач, занбехга не ҳожат?

Хўжаликнинг юраги ҳисобланмиш техника устaxonасидаги саранжом-сарихталик ҳам кишининг ҳавасини келтиради. Бу жамоа ахли техника, эҳтиёт қисм, ёнилғи сўраб бирор жойга мурожаат қилмаётгани сирини англагандай бўлапти. Мавжуд машина-механизмларнинг барчаси ана шу устaxonада таъмирланади.

Хўжалик на машина-трактор паркига, на қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тизимидаги ташкилотларга буюртма беради. Аксинча, қўшни хўжаликлар, жойи келганда, айрим ташкилотлар ҳам ул-бул нарса сўраб келиб қолишади. Темирчилик цехидаги газлаштирилган печ ёнида тўхтаимиз. Усталар Неъмат Собиров ва Наим Абдуллаев гўза қатор орасига ишлов берувчи агрегатлар тишларини оловда тоблаб, қайта таъмирлашмоқда. Қўшни цехда эса Убайдулло Қўйилев қўлбола электрода пайвандлаш ишларини бажаряпти.

-- Ҳозир электроднинг бир тоннасини 200 минг сўм дейишяпти, -- Ҳар қуни 50-80 килограмм электрод тайёрлапман. Уша 200 минг сўмини менга беришсин, -- дея, Убайдулло даврга қувноқлик киритади. -- Қанча иш ҳақи олаясиз? -- Ҳч минг сўмгача...

Хўжалик эришаётган муваффақиятларнинг яна бир саноати шувки, бир техника бажараётган ишга иккинчиси арашатирилмайди. Олайлик, галла ўрим-йиғимида ажратилган тележикалар фақат дон, сомон ташийди. Устaxonанинг махсус майдончасидаги 30 та пахта таший тележаси бу юмушга ҳеч қачон жалб этилмайди. Бу ҳам мулкка муносабатнинг бир кўриниши. Ҳар бир мавсум туғатган, агрегат ва механизмлар ювилиб, техник қаровдан ўтказилиб, махсус майдончаларга те-

риб қўйилади. Сифатли таъмирланган, кўз қорачигидай асралган техника эса ҳеч қачон деҳқонга панд берамайди.

-- Ишчиларга иш ҳақини нима ҳисобдан тўлаясизлар? -- сўраймиз хўжалик раҳбаридан.

-- Нақд пул тушуми ва тежалган маблағ ҳисобидан. Фермада сут-гўшт, далада эса мева-сабзавот етиштирамиз. Богимизда ҳозир гилос пишган. Килосини 100-120 сўмдан сотаяпмиз. Қарам ҳам бозорга чиқарилапти. Унинг 1 килоси -- 25 сўм. Муборакдаги газчиларга сутнинг литрини 30-35 сўмдан сотаяпмиз. Буларнинг ҳаммаси нақд пул ҳолида хўжалик газнасига кириб қилинапти.

Хўжаликда 12 та сув насоси бўлиб, улар олдин дизель ёнилғиси билан ишлатиларди. Ҳар бирига бир кеча-кундузда ўртача 500 килограмм солярақ сарфланарди. Бу -- 7 минг сўм дегани. Ток билан ишлашга ўтказганимиздан кейин ушбу курсаткич 3.300 сўмга тушди. Бошқача айтганда, шунинг ўзидан ўртача 7,5-8 млн. сўм тежалаяпти.

-- Ўғит, уруғлик, эҳтиёт қисмлар нархининг ошиб бораётгани маҳсулот таннарихига таъсир қилмаяптими?

-- Агар, бироз бепарво бўлганимизда, бу муаммо бизга ҳам соя ташлаши табиий эди. Шу «дард»га йўлиқмаслик учун Чирчик ва Олмаликдаги кимё корхоналари билан шартнома тузганимиз. Шунга қўра, биз уларга олдиндан ўғит учун пул ўтказиб берамиз. Улар эса, ҳеч бир воситасиз, тўғридан-тўғри бизга керакли ўғитни етказиб беради. Агар бу юмушни «Қишлоқхўжалиқим» идоралари ортида йўлга қўйганимизда, ҳар бир тонна азотга 7-8 минг сўм, фосфорга эса 13-14 минг сўм сарфлашимиз лозим бўларди. Ҳозир эса биз азотнинг тоннасини 4.700-5000 сўмдан, фосфорни эса 7.500-8000 минг сўмдан харид қилаяпмиз. Кўриб турибсизки, биргина ўғитнинг ўзидан 6,5-7 млн. сўм иқтисод қилаяпмиз.

Эҳтиёт қисмларга келсак, хўжалик ҳар йили ҳисобдан чиқарилаётган эски техникаларни кимгадир сув текинга бериб юбормайди. Балки, мутахассисларимиз гуруҳи уни қисмларга ажратиб, ишга яроқли деталларини хўжаликнинг омборига кириб қилади. Қолган қисмлар эса металл-лом сифатида сотилади. Уйлаб кўринг: бир тракторда 300 турга яқин детал бор. Унинг 200 таси яроқсиз бўлса, қолгани яна бир неча йил иш бериши мумкин-ку! Масаланинг яна шундай нозик жиҳатлари батафсил ўрганилгани боис, хўжалик қарз нима эканини билмайди.

«ФЕРМАГА РУХСАТНОМАСИЗ КИРИШ МУМКИН ЭМАС!»

Хўжаликнинг «Ризк» сут-товар фермаси ашиғига ана шу оғохлантирувчи сўзлар ёзиб қўйилган. Сабабини сут-товар фермасини айланган, фахшадлик Қираверешдаги, йўлакнинг икки четиди турфа хил гуллар очилиб турибди. Йўлакка сув сепилиб, дид билан суғуриб-сидиради. Тўғриси, бу жой фермадан қўра, кўпроқ хондонини эслатади.

Соғин сизилган, бузоқлар, бўрдоқига боқилаётган новвослар алоҳида-алоҳида биноларда парвартишланмоқда. 260 бош соғин сизилган ҳар бирдан 2700 литр сут соғиб олинапти. Сутнинг ёғлилик даражаси 3,7 -- 3,8 фоизга тенг. Ўтган йили ҳар 100 бош сизилган 87 бошдан бузоқ олинганини айтишди. Шу сатрларни ёзар эканман, яқинда Навоий туманида бўлганимда, хўжаликлардан бирини ҳар бош соғин сизилган 600 граммдан сут соғиб олинаётганига гувоҳ бўлганимни эсладим. Ҳаёлан ўзимни уша хўжалик раҳбари ўрнида тасаввур қилдим-у, беҳишёр мулазм бўлдим. Қулоқларим остида эса ўша раҳбарнинг «изоҳлари» тақор-тақор эшитилаверди: «Ўғит, уруғлик қиммат бўлиб кетди. Одамларга кўп вақтдан буён пул беролганимиз йўқ. Деҳқончилик билан овора бўлиб, чорвагаям қаролмадик. Ҳиссадорлик жамиятини ташкил этганим, уям «убитка» бўлди. Аслида мен раис вазифасини бажарувчиман. Раис, Токсентда, академияда ўқияпти. Қайтгач, албатта, аҳвол ўнгланади...»

Бу ерда, Шароф Рашидов номли хўжаликда эса ҳеч ким нолайимди. Чунки бунга ҳожат йўқ. Бўрдоқига боқилаётган 400 бош новвос, жумладан,



эрта-индин гўшгага топшириладиган 120 бош сўқимнинг ўзи биласизми, хўжаликка қанча даромад келтиради?!

Фермада чорва моллари зоти тозаллигига жиддий эътибор берилаётгани, ҳар йили май ойидаёқ қишлоқ гамида махсус ўраларга тонналаб силос бостириляпти, энг асосийси, ферма ишчиларига етарли шарт-шароит яратилгани туфайли ана шу ютуқларга эришляпти. Хусусан, ораста дам олиш хонаси, сауна, ошхона, ҳатто телевизор ҳам мўҳабб.

Бу ерда фақат эргалабки ва кечки соғиндан кейингина ферма мудир, зоотехник ва чўпонларни учратасиз. Соғувчиларга алоҳида автобус ажратилган. Фермага дахли йўқ кишилар эса рухсатномасиз ичкарига киритилмайди. Мақсад аён: ана шу шароитлардан бекорчи кимсалар фойдаланмасин, эрмак ўйин уйнаб, чўпонларни ишдан қалғитмасин. Бундай қатъий тартиб-интизом, бир неча йил-дирки, катта самара берапти.

1996 йилда хўжаликда галлалчиликда ҳосилдорлик 36 центнерни, пахтачиликда эса 30,3 центнерни ташкил этиб, мева ва сабзавот етиштириш режаси ҳам ортинги билан удалланганди...

Шодиёр ҚАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ХАБАРЛАР ОКИМИ

МУКОФОТГА -- ТЕЛЕВИЗОР

Термиз туманидаги «Дўстлик» деҳқон-фермер хўжаликлари уюммаси пахтакорлари бу йил 2374 гектар ерда 6400 тонна ингичка толали пахта етиштириш учун меҳнат қилмоқда.



Бу ҳосилни жамғаришда механизаторлар асосий куч бўлиши барчага аён. Шунинг учун уюшма ҳайъати механизаторларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш мақсадида махсус тадбирлар ишлаб чиқди.

Чунончи, гўзага ишлов беришда механизаторлар ўртасидаги мусобақа ҳар ойда яқунланиб боради. Май ойи натижалари бўйича механизатор Фахриддин Жўраев 292 гектар майдонга юқори сифатли ишлов бергани боис ҳайъатнинг мукофоти -- чет эл телевизори билан тақдирланди.

Жуманазар Жўраев, Сафар Холиёровлар ҳам худди шундай мукофотларни қўлга киритдилар. Июнь ойидаги мусобақа ғолибларини эса Хиванинг қимматбахо гиламлари кутмоқда.

Т. РАЗЗОҚ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОЛТИНҚУЛЛИКЛАР ЗАРАР ҚУЧДИ



Андижон вилоятидаги Олтинқул тумани пиллакорлари қабул пунктларига 162 тонна ўрнига 163 тонна «кумуш тола» топшириб, давлат бюртмасини бажардилар. Сайфуддин Ашуров номли, «Мадиробод», «Андижон», «Намуна», «Ҳақиқат», Навоий номли жамоа хўжалиқларида бу борадаги топшириқ 102-104 фоиз этиб удаланди. Эришилган ютуққа, айниқса, ҳар қути кўрт уруғидан 60-81 килограммдан ҳомашё йиғиштириб олган Мухаббатхон Маҳмудова, Омйнахон Қаримова, Лолахон Элчиёва ва Фазилиддин Деҳқонов бошқик звенолар муносиб ҳисса қўшдилар.

Туман меҳнатқашлари яна 5 тонна пилла тайёрлаб, ялли ҳосил миқдорини 168 тоннага етказишмоқчи.

ТИНИБ-ТИНЧИМАС ҲОЖИБОЙ

Нукус туманида икки қаватли замонавий «Дилноза» дўқони очилди. Ушбу савдо мажмуининг эгаси, бу ерларда номи кўпчиликка таниш бўлган ишбилармон Ҳожибой Рейимбоев бўлиб, янги иморат қурилишига 10 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфлаган. Айни пайтда Ҳ. Рейимбоев раҳбарлик қилаётган «Умид шоир» корхонасининг бешта савдо ўрнилари, бир қанча ишлаб чиқариш жойлари, Қорақалпоғистон биринчилигида ғолибликни қўлга киритган ўз футбол клуби бор.

Ишбилармон янги савдо мажмуасининг очилиши тантаналарини туғатиб улгурмасдан, яна бир қурилишга -- томат паastasи ишлаб чиқарадиган цехни бунёд қилишга киришиб кетди.

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ, «Халқ сўзи» мухбири.

МУШТАРИЙ ТАНҚИД ҚИЛАДИ



ҲОКИМ БОВА ЎТМАЙДИГАН ГУЗАР

Исон меҳмондорчиликка кўнгли ёши, дилдан ғурунлашиш учун боради. Шундай ният билан Моҳидиё деган дўғонамиқига таширф буюрдик. Бу -- қишининг охири, баҳорнинг илк кунлари эди, назаримда. У олдимизга дастурхон билан қўшиб ҳасратини ҳам ёздди:

-- Шукурим, қишдан ўтиб олдик, -- деди у оҳиста. -- Энди мана электр иситкичларга дам берсак ҳам бўлади. Бир йилдан буён иссиқ сувдан дарак йўқ.

Дўғонамга қўниси Эълмира исмли аёл қўшибди кетди:

-- Нимасини айтасиз, уйимизда 160 хондон истиқомат қилади. Уйга яқинлашсангиз уюм-уюм ахлатларнинг ҳиди димоғингизни ёрай дейди. Ерўла тўла сув, атроф чивину пашша. Қунар исиди дегунча, совуқ сув олтинчи қаватдан юқорига чиқмайди. Одамлар челақлаб сув ташийдилар.

-- Масвул кишиларнинг хабари йўқми? -- ҳамдардлик билан сўрайди улардан.

-- Бор, -- баралла жавоб беришди ҳар иккиси. -- Аммо улар пинагини ҳам бузмайдилар. Эрта-индин бориб, муаммони жойида ҳал этамиз, деган аъваллардан чарчаб кетдик. Айнан шу масала бўйича турли ташкилотлардан 15 та хат олганмиз. Ҳоким бованинг ҳам хабари бор.

Афсуски, бу воқеа Саҳрои Кабир ёки Робинзон яшаган оролда эмас, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани Лисунора (номлаштириш қанга?) кўчаси 1 «А» массивидаги 9 қаватли 57-уйда содир бўлаётган эди. Ушундан таассуфлар билдириб қўшиб кетдик.

Яқинда йўлимиз яна ўша уйга тушди. Тагин ўша манзаранинг гўвоҳи бўлдик. Ва биронизга ҳоким бова бу гузарлардан ўтмаса керак, деган фикр ҳайлимизга келди. Билмак у 160 хондон яшайдиган бу уй соҳибларининг арз-додига аллақачон ишонсан ва аҳвол бутунлай ўзгарган бўлар эди.

Н. НОРМЕТОВА, «Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.



# ДИВИДЕНД -- МЎМАЙ ДАРОМАД

**Тошкент вилоятида кейинги пайтларда қишлоқ хўжалик тузилмаларини мулк ҳижатдан қайта ташкил этишга эътибор кўчрайди. Ҳозир бу ерда 169 та жамoa хўжалиги, 16 та деҳқон (фермер) хўжаликлари уюшмаси, 5 та акционерлик жамияти, 4 та халқ корпорацияси, битта ширкатлар уюшмаси, 6 та пай (улуш)чилик жамияти, 5**

**та ширкат уюшмаси фаолият юритмоқда. Уларнинг иш самараси, пировард натижа, деҳқонларнинг моддий манфаатдорлиги қандай бўлапти?**

**Республика давлат мулк кўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи Аскарбек ҚОСИМОВ бу ҳақда муҳбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:**

... Гапни, аввало, қайси хўжалик шакли иқтисодий жиҳатдан афзал эканлигидан бошласак. 74 та жамoa хўжалиги 1996 йилга жамoa 221 миллион сўм фойда билан яқунлади. Бу -- ҳар бир хўжалик ўртача 3 миллион сўмдан фойда олди дегани. Ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилган бешта хўжаликнинг умумий фойдаси эса 33 миллион сўми ташкил этди. Яъни, ҳар бир жамият ўртача 7 миллион сўм фойда олишга эришди. Кўриниб турибдики, жамoa хўжаликларига нисбатан ҳиссадорлик жамиятларининг иш-тутими қарийб икки ярим баъар самаралидир.

Муваффақиятнинг иши шундаки, ҳиссадорлар умум-мулкда ўзларининг муайян улушларига эга бўлишди. Бинобарин, махсулот таннархи, даромад ва соф фойда нисбатининг тушуниб етгач, уларнинг меҳнати муносабатлари кескин ўзгарди. Натижада акционерлик жамиятларида ишлаб чиқариш воситаларидан эътибор қилинган билан

самарали фойдаланиш, уруғлик, ўғит, кимёвий дори-лар, ёнилги-мойлаш ашёларини тежаб сарфлаш олат тусига кирди. Мана, бир мисол. Юқори Чирчиқ туманидаги «Дустлик» акционерлик жамияти аъзола-

ри махсулот таннархини чор-ваччиликда 12, меваччиликда 14, сабзавотчиликда 28 фоиз ка-майитиб, пировардда 179 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик махсулотлари этиш-тирдилар, унинг 23 миллион

сўми соф фойдалир. Бюджетга ҳамма тўлов ва солиқлар тўланганидан сўнг қолган 13 миллион сўм соф фойда эса акциядорларнинг умумий йилги қарор асосида улар-га дивиденд сифатида берил-ди. Бошқача айтганда, ҳар бир ҳиссадор 13 минг сўмдан қўшимча дивиденд олди.

Оҳангарон туманидаги «Оҳангарон» ва Собир Раҳимов номи. Бўстонлик туманидаги Бойиришев номи акциядорлик жамиятлари қассига ҳам бир миллиондан 3 миллион сўмгача фойда тушди. Соф фойданинг 30-40 фоизи акция-дорларга дивиденд учун ажра-тилди. Ушбу жамиятларнинг меваччилик, сабзавотчилик ва чорваччиликка ихтисослашган-лигини ҳисобга олсак, бу кат-та ютуқдир.

Шу боис биз рентабеллик даражаси юқори, шароити ду-руст, имкониятлари етарли жа-мoa хўжаликларини тизроқ ак-циядорлик, пай (улуш)чилик жамиятларига айлантиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Жумла-дан, Урта Чирчиқ туманидаги «Ҳақиқат», «Қайтмас», Акмал Икромов номи, «Истиқбол» жамoa хўжаликлари шу йил июнь ойининг охиригача ак-циядорлик жамиятига ўткази-лади. Бу Ўзбекистон Респуб-ликаси Президенти ҳузурида-ги Иқтисодий ислохотлар, тад-биркорлик ва чет эл инвести-циялари бўйича идораларо кенгашининг қарори ижроси йўлидаги дастлабки қадамлар-дир.

Пай(улуш)чилик жамиятла-ри эса кейинчалик ҳар бир ту-манда ташкил этилади. Шу

мақсадда ҳозирданок Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассисларининг бевоси-та ёрдами ва иштирокида ташкилий-меърий ҳужжат-ларни тайёрлаб, тегишли хўжаликларга етказиб бердик. Шу хўжаликлар негизда ҳар бир деҳқоннинг умумий мулк-даги улушини шакл-лантириш тамойилини иш-лаб чиқиш, кейинчалик улар-нинг тажрибасини бошқа хўжаликларга кенг ёйишни мўлжаллаб турибмиз.

Бироқ, сир эмас, янги ту-зилмаларнинг мазмун-мо-ҳияти, уларнинг иш юритиш тартиби, пировард натижа, яъни олинган даромад ва соф фойда қандай тасарруф эти-лишини ҳамма деҳқонлари-миз ҳам тушунавермайдилар. «Кимлар пай(улуш)чи бўла олади?» деган савол ҳам кўпчиликини қизиқтириши табиий.

Пай(улуш)чилик жамия-тига шу хўжаликда бир йил-дан кўпроқ вақтдан бунён иш-ловчилар, сайланиш ва тай-инланиш сабабли, юқори идораларга ўтиб ишлаёт-ганлар, ҳарбий хизматчилар ва хўжалик йўналмаси бил-дан ўрта, ўрта махсус ва олий ўқув юрталарида тахсил олаётганлар аъзо бўлиши мумкин. Пай(улуш) эгасига қимматли қозғолар тоифаси-га кирмайдиган гувоҳнома (сертификат) берилди. Жамия-тига янги аъзо бўлиб ки-ришни хоҳловчилар пай(улуш)чиларнинг умумий йилгилиши қарори асосида, белгиланган тартибда эркин мулкий пай(улуш) сотиб ол-ганларидан сўнг қабул қили-нади.

Агар у жамиятдан чиқиш-ни хоҳласа, ўзига тегишли пай(улуш)ни жамията ёки унинг бошқа аъзоларига, шу-нингдек, жамията янги аъзо бўлиб киратганларга «Ки-мошди» савдолари орқали соти-ш ҳуқуқига эгадир.

Пай(улуш) тизимининг афзаллиги шундаки, унинг ҳар бир аъзоси умуммулкда ўз ҳиссасига эга бўлиб, те-гишли пай(улуш)га қараб, жамoa кўлга киритган соф фойдалан муайян миқдорда дивиденд олади. Бу дивиденд аслида мўмай даромаддир. У ўз наъбатида деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигини оширибгина қолмасдан, иш-ловчининг жамият фаолияти учун масъулиятини ҳам кў-чайтиради.

«Халқ сўзи» мухбири А. ЙЎЛДОШЕВ ёзиб олди.

## ЁН ДАФТАРИНГИЗ УЧУН

### МАРКЕТИНГ

Маркетинг (инг. marketing, market -- бозор, сотиш) --ҳаридор эҳтиёжларини имкони борича тўлароқ қондириш мақсадларида бозор ҳалятини асоси ураниши ва оқибдан баҳалли орқали то-варларни ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этиш тадбирлари тизими; бозор иқтисодиётининг муҳим унсур. Маркетинг иши қисқа ва узоқ муддатли махсус дастурлари асосида амалга оширилади. Бу дастурларда харидорлар ва рақобатчиларни ўра-нини негизда товарлар сифатини хоҳлаши, улар-нинг нархини ўзгартириши, реклама уюштириши, то-варга талабдорларни қачириш, товарларни ўз вақтида етказиб туриши, харидорларга маъқул ту-шадиган хизмат кўрсатиши каби чора-тадбирлар назарда тутилади. Ишлаб чиқариш эса маркетинг асосида янги тез ўзгариб турадиган бозор талабига мослашиб самарга эришади. Товар иш-лаб чиқарувчи маркетинг туфайли бозор билан

увий боғланади, ишлаб чиқариш манбаларини бо-зордан товарлар яратилишига қаратади, табиар-корлик ва тижорат ишларини режалаштирилади.


Маркетинг бир қанча жуда муҳим қондаларга асосланади. Товар ишлаб чиқариш талаби ва корхо-на имкониятларини ҳисобга олиш, харидор талаб-эҳтиёжини тўла қондириши, бўлгуси талаб на-зарда тутилиши, муҳалламан бозорда товарлар муайян вақтда ва белгиланган миқдорда сотилиши, янги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, корхонанинг узоқ давр мобайнида самарали ишла-шига эришиш, корхонанинг ишлаб чиқариш йўналишлари, тўтаи йўли бозор шариоитига, хари-дор талабига мослашиши билан чекланмай, балки та-лабни қорхона мўлжаллаган йўналишида ўзгартириш ишлар сирасига кириди. Маркетинг фақат бозорда-ги талаб-эҳтиёжни қондириш воситасига бўлмай, балки ишлаб чиқариш самарасининг ҳам юқори бўлишини таъминлайди. Шу сабабли, корхоналарда маркетинг хизматини ташкил этиш катта аҳамиятга эга.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АҲБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 3 июнидан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хо-рижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қиймати-ни белгилади: \*)

1 Австралия доллари	46,36
1 Австралия шиллинги	5,07
1 Англия фунт стерлинги	100,05
10 Бельгия франки	17,28
1 Голландия гульдени	31,70
10 Греция драхмаси	2,26
1 Дания кронаси	9,36
1 БАА дирҳами	16,65
1 АҚШ доллари	61,12
1 Миср фунти	18,08
1 Иралиги фунти	92,47
1 Исландия кронаси	0,87
10 Испания песети	4,21
100 Италия лираси	3,59
1 Канада доллари	44,48
1 Ҳаной юани	7,37
1 Кувейт динори	202,38
100 Ливан фунти	3,98
1 Малайя ринггати	24,30
1 Германия маркиси	35,69
1 Норвегия кронаси	8,56
1 Польша злотийси	19,06
10 Португалия эскудоси	3,52
1 Сангуру доллари	42,71
1000 Туркия лираси	0,43
1 Финляндия маркиси	11,84
1 Франция франки	10,54
1 Швейцария франки	7,89
1 Швейцария франки	43,16
1 ЭКЮ	69,31
10 Жапония Корея юани	0,69
10 Япония енаси	5,26
1000 Россия рубли	10,59
1 Украина гривнаси	32,86
1000 Беларусь рубли	2,29
1 Эстония кронаси	4,82
1 Латвия лита	107,42
1 Литва лита	15,28
1 Қозғоғистон тенгеси	0,81
1 Қирғизистон соми	3,44

\*) валюта қийматини бел-гилаш чоғида Ўзбекистон Рес-публикаси Марказий банки маъ-мур валюталарни ушбу қий-матда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



Иштихон туманидаги «Минчино» агроносот-тижорат фир-маси бозорчилик ва меваччиликка ихтисослашган. 377 гектар май-донда тоқзорлар парварши қилинмоқда. Ҳар гектар ердан 270-300 центнердан ҳосил олиш режалаштирилган. Узуминге майиэбон на-валари парварши қилинади. Хишрав, қоржажанжақ, хусайни, тоифи навалари ҳам ўстирилади. Айни пайтда тоқлари агротехника қош-далари асосида парварши қилиш қизғин давом этмоқда.

СУРАТЛАРДА: хўжалик раҳбари Рашид Файзуев (чапдан) ва бригадир Ҳайдар Бобоев; хўжалик бош агрономи Аликкул Саматов ва бригада бошлиғи Абдувафо Абдуқодиров.

Т. НУРМУҲАММАД олган суратлар.

## ЯНГИ УЮШМА

### У қандай афзалликларга эга?

Бундан беш йил аввал Фарғонада нари борса 25-30та гўшт дўкони мав-жуд эди. Ҳозир уларнинг сони 200 дан ортиб кетди. Уша пайтда шу шаҳарнинг Қирғули туманида 3-4 дўкон бўлган бўлса, бугун бу ерда 50 дан ортик қассобхона ишлаб туриб-ди. Ҳисоб-китобларга қараганда, ви-лоят бўйича миндан ортик шундай дўконлар фаолият кўрсатапти.

Гўшт дўконларининг кўпайгани маъқул, албатта. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Янги сўйилган гўшт ветеринария ходимла-рининг қатий назоратидан ўтгандан сўнггина савдога чиқарилиши керак. Ҳамма жойда, айниқса, қишлоқ ерла-рида бундай тартибга риоя қилина-вермайди. Натижада юқумли касал-ликларга чалинган, орик, энг ачинар-лиси, ёш гунажинлару сигирларни кўплаб миқдорда сўйиб юбориш хо-ллари кўпайиб кетди.

Фарғонадаги «Гўшт» ҳиссадорлик жамияти яқинда ана шундай назорат-дан четда қолган, бирон-бир ташки-лотга, жамиятга бўйсунмайдиган, па-тент асосида иш юритаётган қассоб-ларни бир уюшмага бирлаштириш ташаббуси билан чиқди. Фарғона ви-лояти ва шаҳар ҳокимликлари бу та-шаббусни қўллаб-қувватлади. Шундай қилиб, 80 дан ортик делегатлар иш-тироқида шаҳар қассоб ва саллоҳлар уюшмасининг таъсис йилгилиши

бўлди. Уюшманинг Низоми, иш тар-тиби ишлаб чиқилди. Бу уюшма аҳолининг гўшт ва гўшт махсулот-ларига бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш, сўйлаётган чор-ва хайвонлари ва махсулотларни тўлиқ ҳисобга олиш ҳамда қассоб-ларни ижтимоий ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари билан шуғул-ланади.

Энди қассоблар моллар ва сўкимларни дуч келган жойда эмас, балки ветеринария врачлари назор-ати остида шаҳардаги марказий қушхонада сўйишади.

Фақат шугина эмас. Илгари қас-соблар бозордан мол сотиб олса, транспорт ва кира ҳақини ёнидан тўларди. Бугун эса уюшмага қараш-ли автотранспортлар Фарғона, Марғилон, Қува шаҳарлари ва қўшни туманлардаги мол бозорларидан уюшма аъзолари харид қилган бўрдоқларни қушхонага келтириб беришади. Бу, албатта, қассоблар-нинг оғирини енгил қилаётир.

-- Авваллари хусусий қассоблар сўйилган чорва хайвонларининг те-рилари, ичак-чавоқлари, суякларни олиб-сотарлар териларни четдан қилган харидорларга арзон нарҳда пуллашарди, -- дейди уюшма раи-си Иброҳимжон Мадалиев. -- Биз ана шундай хўжасизликка бутунлай

барҳам бераёғимиз. Чунки юқорида айтилганидек, сўқимлар мар-казлашган ҳолда сўйилмоқда. Қас-соблардан тери ва иккиламчи гўшт ресурслари бозор нарҳида сотиб олиниб, қайта ишлаш корхоналари-га жўнатилаётир. Ичак-чавоқлардан эса қолбаса махсулотлари учун қобиқ, суяк ва бошқа қитилардан эса аралаш озуқа тайёрлашни йўлга қўймоқчимиз. Шу йилнинг ўзида ка-мида 10 минг донадан зиёд мол те-риси тайёрлаш мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари, уюшма аъзола-ри давлат нарҳида кунжара, омихта ем, шелуха ва бошқа аралаш озуқалар билан таъминланади. Бу-нинг учун улар хусусий фермалари-да камиди 5-6 бош қорамол, 20-30 бош қўй-эчкини бўрдоққа боқиш лўзим. Қассобларнинг махсулотлари эса қатий назоратга олиниб, ал-батта, ҳисобот органларида қайд қилинади.

Тез орада вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам шундай уюшмалар ташкил этиш тадбирла-ри қўриляпти. Энди Фарғонага ай-рим вайсақлар «Ўзбекистон аҳолиси дунёда энг кам гўшт ейди-ган халқ» деб айёҳанос солишдан ўзларини тийишлари турган гап. Чунки қассобларнинг махсулотлари ҳам ҳисоб-китоб органларида қайд этилса, мамлакатимиз аҳолиси гўшт истеъмол қилиш бўйича дунёдаги кўплаб мамлакатлардан қолишмас-лиги аёнлашади.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ДАВЛАТ ҚИСҚА МУДДАТЛИ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ БОЗОРИ ТЎҒРИСИДА

### Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида давлат қисқа муддатли облигацияларининг "Кимошди" ва иккиламчи савдолари муомалада бўлишига эътибор қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат облигацияларининг эмитенти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки эса чиқарилган облигацияларга хизмат кўрсатувчи бош агентдир.

Давлат қисқа муддатли облигациялари бўш пул маблағларини қисқа муддатта фойдали инвестиция қилиш имконини беради. Шу билан бирга, давлат облигациялари операцияларидан олинган даромад Ўзбекистон Республикасининг қонунларига ҳамда чиқарилиш шартларига биноан, солиққа тортилмайди. Давлат облигациялари бозорида иштирок этаётган корхоналар ва ташкилотлар ўз маблағларини оператив равишда бошқаришда қўшимча имкониятга эга бўлмоқдалар. Облигациялар дисконт (номинал қийматдан паст баҳода) билан сотилади. Чиқарилаётган давлат облигациялари юқори даражадаги ишончли қийматли қоғоз ҳисобланади, чунки муддат тамом бўлгандан сўнг уларнинг номинал қиймат бўйича тўлови давлат томонидан қафолатланади.

Бир дон облигациянинг номинал қиймати 1000 сўмни ташкил этади. Чиқарилган облигацияларнинг муомалада бўлиш муддати 3 ва 6 ойидир.

Давлат облигацияларини жойлаштириш ҳамда уларнинг иккиламчи савдолари Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида бозор қонун-қодалари асосида ўтказилади. Бунда давлат облигацияларининг даромадли, юқори ликвидли ва хавф-хатарсиз эканлиги уларга бўлган қизиқишнинг асосини ташкил этади. Давлат облигацияларига сармоядорлар томонидан доимий талабнинг мавжудлиги туфайли облигация эгалари ўз дилерлари орқали иккиламчи бозорда уларни исталган миқдорда сотишлари мумкин. Харид қилинган облигацияларни исталган вақтда сотиш муаммосининг йўқлиги давлат облигацияларига сармоядорларни янада кенгрок жалб этишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон давлат облигациялари бозорининг ривожланиши билан унга қизиқувчилар сони тобора ортиб бормоқда ва бўш маблағлари бўлган банкдан ташқаридаги тузилмалар - молия компаниялари, суғурта ва бошқа инвестиция фондлари, қўшма корхоналар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, акционерлик ташкилотлари уларнинг орасида катта ўрин эгаллаб турибди.

Корхона ва ташкилотлар давлат облигацияларининг муомалада бўлиш даврида ўз дилерлари орқали "Кимошди" савдосида ва иккиламчи савдоларда уларни харид қилишлари ва сотишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида давлат қисқа муддатли облигацияларини жойлаштириш бўйича ҳар ойда "Кимошди" савдолари ўтказилади. Чиқарилиш ҳажми 10 кун олдин Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлиги томонидан эълон қилинади.

Облигацияларни сотиш ёки харид қилишни хоҳлаган ташкилотлар қуйида рўйхати берилаётган дилер-банкларнинг исталганига мурожаат қилишлари мумкин.

Дилер	Манзил, телефон
1. Узсаноатқурилиш банки	Тошкент ш., А. Тўқай кўчаси, 3, тел.: 33-24-86, 36-14-77
2. Миллий банк	Тошкент ш., Оқунбобоев кўчаси, 23, тел.: 33-17-12, 33-74-15
3. Улпахтабанк	Тошкент ш., Муқимий кўчаси, 43, тел.: 78-10-94, 77-91-66
4. Халқ банки	Тошкент ш., "Қаторгол" кўчаси, 46, тел.: 78-29-45, 78-29-81, 78-82-14
5. Фаллабанк	Тошкент ш., Лоҳутий кўчаси, 36, тел.: 36-16-17, 36-11-05
6. "Турон" АТББ	Тошкент ш., Навоий кўчаси, 44, тел.: 42-23-85, 44-25-97
7. Улприватбанк	Тошкент ш., "Ўзбекистон" шоҳ кўчаси, 51, тел.: 39-16-63, 39-14-42
8. "Ипак йўли" АИТБ	Тошкент ш., Фарход кўчаси, 12а, тел.: 76-89-73, 76-18-74
9. Тошўйжойкамгармабанк	Тошкент ш., Пушкин кўчаси, 17, тел.: 33-11-22, 36-32-31, 36-33-31
10. Алоқабанк	Тошкент ш., Толстой кўчаси, 1, тел.: 36-10-21, 33-62-54
11. Трансбанк	Тошкент ш., Навоий кўчаси, 7, тел.: 41-01-10, 41-04-43
12. Андижонбанк	Андижон ш., Бобур шоҳ кўчаси, 85, тел.: 45-33-69 (Тошкент), 4-36-88 (Андижон)
13. Асакабанк	Тошкент ш., "Нукус" кўчаси, 46, тел.: 64-04-50, 64-18-74
14. АБН АМРОБАНК	Тошкент ш., О. Хоммажон майдони, Бизнес-комплекс, 4-подъезд, тел.: 32-00-70, 32-00-76

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржаси.

## ЭЛЕКТРОН ПУЛЛАР ОЛАМИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Ўзбекистон Миллий банкнинг сўмдаги пластик картчаларини - сизнинг маблағларингиз сақланган шакли. Ва кўпайишининг қафолаши.

Карточка эгалари учун "йўқлаб олгандагидан" жамғармалар очилади ва йиллик фойзининг 50 фоизи туланади.

Маълумот олиш учун телефонлар:

Тошкентда: 44-82-20, 44-82-14, 54-59-01, 54-38-18, 62-37-75, 62-01-92, 33-68-07, 32-03-88

Навоийда: 43-622, 34-965

Нукусда: 36-122, 74-882, 79-591

Бўхорода: 36-522, 37-098, 37-108

## КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

1997 йил 11-йрим йили учун газета ва журналларга обуна давом этишини эслатиб ўтаёмиз. Дунё воқеаларидан бехабар бўлишни, содир бўлаётган ҳар бир воқеа-ҳодисалардан бехабар қолмаслигингиз учун, республикамиз фаолияти билан ҳар кунги таъиниш борилишингиз, шунингдек, ҳар тонг совиқли газетанингиз билан учрашиб, ҳаммуҳаббат бўлишингиз учун, обуна масаласида ўзингизга қўлай бўлган алоқа бўлимига ишонишимиз.

Обуна жараёнида пайдо бўладиган масалалар ёки қўшимча саволлар юзасидан республика Матбуот тарқатиш марказига мурожаат қилишингиз мумкин.

Тел.: 34-83-87, 33-67-98, 33-43-24.

Низомий номили Тошкент давлат педагогика институтини ҳисобига бўлган № 042981, № 042982, № 017627 сонли дипломлар йўқолганлиги муносабати билан БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТЕННИС

БУ КУНЛАР ХАЛИ КЎП ЭСЛАНАДИ

Кеча пойтахтимиздаги «Динамо» теннис мажмуида профессионал аёл теннисчилар ўртасидаги Тошкент иккинчи халқаро челленжер турнирининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Сўзга чиққанлар ушбу турнир нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиёда аёллар теннисининг раванк топиши йўлида бекиёс аҳамиятга эга эканлигини эътироф этишди.

Ушбу тантаналардан бироз олдин биз таржимон орқали япониялик мураббий Танизавани мулоқотга чорладик.

— Аёллар теннис турнири жаҳон миқёсида олиб қаратилган ҳам мураббий турнирларига қиёсан олганда жуда кам, айниқса, бизнинг қитъамизда — деди у. — Тошкентда профессионал аёл теннисчилар ўртасидаги янги теннис турнирига асос солишнинг мени ҳам мураббий сифатида, ҳам бир қитъа вакили сифатида қувонтиради. Теннис марказига айланган бораётган Тошкент шаҳрининг ушбу челленжер турнири қитъамиз аёл теннисчилари учун янги имкониятлар яратиб бериши оқибатда, улар Тошкент кўртакларида ўйнашга, бу ерда WTA рейтинг оқчаларини яна-да бойитиши, Юртингизга шоғирдим Каору Шибата билан келган эди. Унинг рейтинг оқчалари ҳали жуда оз. Табики, биз бахсларни саралаш босқичдан бошладик. Тошкент кўртаклари биз учун омадли бўлди. Шоғирдим аввалига Германиялик, сўнг австралиялик ва словакиялик рақибларидан устун келди ва асосий сетада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Гарчи асосий сета бахсларининг биринчи ўрашувидек америкалик Ерика Делонга ўқташиб қўйган бўлсак-да, бундан нолимаймиз. Чунки Делон шоғирдим Шибатадан WTA рейтинг рўйхатида қариб 200 поғона юқори ўринни эгаллаб турибди. Қолаверса, бунга спорт лейишида, Тошкент эса мента ўзининг кенг кўчалари билан ёқди. Келгуси йили яна юртингизга келамиз, деган умид билан қайтаемиз.

Ха, турнир энди бошланган бўлса-да, бахслардан олдинроқ чиқиб кетган теннисчилар ўз юртакларида қайта бошладилар. Бундай тез қайтиши тушунса бўлади. Чунки теннисчилар ҳаёти шундай. Бугун Тошкентда бўлишса, эртага ер юзининг бошқа бурчагидаги Нью-Йорк кўртакларида чиқиши лозим. Зеро, тинимсиз машғулотлар, кетма-кет мусобақалар майдонига чиқиш орқали спортчи юксак марраларга эришиши мумкин.

Бевосита «Динамо» теннис мажмуидаги мусобақаларга қатнашган бўлсак, теннисчилар аллақачон саралаш бахсларини тугаллаб, асосий сета мусобақаларига киришди. Саралаш босқичида мамлакатимизнинг тўққиз нафар теннисчиси қатнашди. Улар орасидан фақат Германида таҳсил олган ҳамюртимиз Лилия Бектжоева дастлабки ўрашувда галаба нашлади. Лилия украинлик дугонаси Ирина Носенкога учрашди.

нияда таҳсил олган ҳамюртимиз Лилия Бектжоева дастлабки ўрашувда галаба нашлади. Лилия украинлик дугонаси Ирина Носенкога учрашди. 5/7, 6/4, 6/2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Кейинги сарф ҳамюртимиз словакиялик теннисчи Сузанна Валековадан 6/4, 6/4 ҳисобида енгилди. Зеро, Сузанна саралаш босқич қатнашчилари орасида «биринчи рақамли теннисчи» эди. Табики, Сузанна қолган барча рақибларини ҳам катта устунлик билан енгиб, асосий сета бахсларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Қолган саккиз нафар теннисчиси эса илк ўрашувидек мағлубиятга учради. Албатта, ёш теннисчиларининг қўлини қўлга киритди. Гарчи асосий сета бахсларининг биринчи ўрашувидек америкалик Ерика Делонга ўқташиб қўйган бўлсак-да, бундан нолимаймиз. Чунки Делон шоғирдим Шибатадан WTA рейтинг рўйхатида қариб 200 поғона юқори ўринни эгаллаб турибди. Қолаверса, бунга спорт лейишида, Тошкент эса мента ўзининг кенг кўчалари билан ёқди. Келгуси йили яна юртингизга келамиз, деган умид билан қайтаемиз.

Ха, турнир энди бошланган бўлса-да, бахслардан олдинроқ чиқиб кетган теннисчилар ўз юртакларида қайта бошладилар. Бундай тез қайтиши тушунса бўлади. Чунки теннисчилар ҳаёти шундай. Бугун Тошкентда бўлишса, эртага ер юзининг бошқа бурчагидаги Нью-Йорк кўртакларида чиқиши лозим. Зеро, тинимсиз машғулотлар, кетма-кет мусобақалар майдонига чиқиш орқали спортчи юксак марраларга эришиши мумкин.

Бевосита «Динамо» теннис мажмуидаги мусобақаларга қатнашган бўлсак, теннисчилар аллақачон саралаш бахсларини тугаллаб, асосий сета мусобақаларига киришди. Саралаш босқичида мамлакатимизнинг тўққиз нафар теннисчиси қатнашди. Улар орасидан фақат Германида таҳсил олган ҳамюртимиз Лилия Бектжоева дастлабки ўрашувда галаба нашлади. Лилия украинлик дугонаси Ирина Носенкога учрашди.

БАХСЛАР МУРОСАСИЗ КЕЧАЯПТИ

Ўзбекистон кубоги учун 1/8 финалнинг такрорий ўрашувлари ўтказилди. Мухлисларга яхши маълумки, МХСК жамоасининг 9 нафар футболчиси миллий терма жамоамиз ўйнарига жалб этилган. Шу боис 1/8 финалнинг такрорий ўрашувлари ҳарбийларга қийин бўлди, деган тахминлар мавжуд эди. Бунинг устига ҳарбийлар Жижзахга ўтказилган дастлабки ўрашувда дуранга (2:2) эришилган. Гарчи деярли иккинчи таркиб футболчилари майдонга чиққан бўлишига қарамай МХСК ўз майдонидан такрорий ўрашувда «Сундич»нинг 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратди ва чорак финалга йўланма олди. Шунингдек, дастлабки ўрашувда «Орол» билан дуранг (1:1) ўйнаган «Пахтакор» жамоаси ҳам сафар йирик (7:3) ҳисобда галаба қозонди. «Нефчи» клуби ўйинчилари ҳам «Хоразм» дарвозасига еттига тўп киритишди. Дастлабки ўйинда 3:2 ҳисобида галаба қозонган хоразмликларнинг бу йилги кубок бахсларидаги кураши шу тарихда тўхтатилди. «Трактор» — «Насаф» ўрашувда гарчи тошкентликлар 2:0 ҳисобида галаба қозонган бўлса-да, «кучлар тенг» келди. Чунки Қаршидаги ўрашувда «Насаф» шундай ҳисобда галабага эришган эди. Бу икки жамоа

гаплди. Йиллар ўтиб ушбу турнир теннисчиларимиз учун катта тажриба мактаби вазифини ўтаганини ҳали кўп бора эслаймиз.

Асосий сета бахсларида эса мамлакатимизнинг уч нафар теннисчиси қатнашди. Улар Ирода Тулаганова, Ирина Ярикова ва Наташа Никитинадир. Икки нафар теннисчиси биринчи кунни кўртакларга чиқибди. Куръага кўра Иродани рақиб Германиялик Кирстин Фрейе бўлди. Кирстин ўтган йил ҳам мамлакатимизга келган, биринчи халқаро турнир кўртакларига чиқиб, икки марта галабага эришган эди. Уни фақат ҳамюрти, биринчи халқаро турнирнинг иккинчи муқофоти соҳиби Катрин Килш чорак финалда тўхтатиб қолган эди. Кирстин Фрейе бу йилги турнирда янада юқорироқ рейтинг оқчоси билан келди. Ирода билан булган баҳса унинг маҳорати ошганлиги яққол кўриниб турди. Биз Иродани қанчалик мухлислик қилмайлик Фрейе ҳамюртимизга ҳеч бир имконият қолдирмади. Ирода ҳар икки сетада фақат иккитадан геймни ўз фойдасига ҳал қилишга эришди. Баҳса Кирстин 6/2, 6/2 ҳисобида галаба қозонди.

Иккинчи ҳамюртимиз Наташа Никитинанинг грециялик Шристана Пападакига қарши баҳсини мухлислар катта ҳаяжон билан кўзатишди. Чунки рақибни WTA рейтингини


бу йица узилан беш-олти қара кучли бўлсада, унга қарши деярли тенгма-тенг кураш олиб борди. Биринчи сетада Пападакининг 7/5 ҳисобида устун келиши Наташага руҳий жиҳатдан анча таъсир қилди ва у иккинчи сетада ҳам 6/4 ҳисобида мағлубиятга учради. Эндиги умдимиз фақат Ирина Яриковадан.

Шунингдек, Лилия Бектжоева ва Ирода Тулаганованинг жуфтлик бахсларида саралаш босқич беллашувларини муваффақиятли ўтказганлигини айтиш жоиз. Энди улар асосий сета бахсларида қатнашади.

Асосий сета бахсларида ҳозирча исроиллик Л. Сабай, германиялик И. Гуаст, австралиялик Н. Прайт, россиялик Е. Сисоева, америкалик Е. Делон, германиялик К. Фрейс муваффақиятли оидмалаяпти. Турнирнинг «биринчи ракеткиси соҳиби» ҳисобланаётган австралиялик Силвина Плишче кеча исроиллик Анна Смачовани катта қийинчилик билан енгди. Шундан ҳам билса бўладики, бу йилги бахслар янада қизиқарили кечади.

Кеча қатнашчилар 1/16 финал ўйинларини якунлашди. Бугун нимчорак финал ва жуфтлик бахслари бошланади.

Расул ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Ҳамза номидаги ўзбек академик драма театрида икки кун давомида чиройли кўшиқлар янграб турди. Гап шундаки, ушбу даргоҳда Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигига қарашли ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ходимлари ўртасида «Ўзбекистон кўшиқ байрами» республика II-кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Очиги, биз кўпинча тартиб посбоналарини фақат ўз вазибаларининггина биладиган жиддий одамлар, деб ўйлаймиз. Лекин уларнинг орасида ҳам санъатта ошфута, бу борада истеъодли кишилар кўпчилигини ташкил этади. Мазкур танлов ана шу фикримизни яна бир бор исботлади.

Бу ерда барча вилоятлар ички ишлар идоралари вакиллари иштирок этишди. Турлича оҳангдари қирқдан зиёд кўшиқлар ижро этилди. Тўғри, уларнинг барчасини бир хил даражада, деб бўлмайди. Бироқ муҳими, Ватан, истиқлол, ҳақ осойишталиги, порлоқ келажак сингари биз учун қадрли бўлган мавзулар


ни ўз ичига қамраб олган. Бизнинг эътиборимизни тортиган яна бир жиҳати, аксарият бадиий жамоалар асосан миллий чолғу асбобларимиздан унумли фойдаланиш, халқона оҳангдари кўшиқлари яратилган. Назаримда, бу жиҳатдан баъзи профессионал ижрочилар ҳам улардан ўрнак олишса, арзийди.

Танловнинг иккинчи кунги кўшиқ байрами фойдалари ва совридорлари ижросида концерт намойиш этилди. Шундан сўнг эса бу ерда ҳозир бўлган ички ишлар идоралари санъаткорларини ҳаяжонлангирган лаҳзалар бошланди. Республика халқ ижодиёти маркази раҳбари, кўрик-танлов ҳайъати раисининг ўринбосари Дехқонбой Хусанов голибаларни эълон қилди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ички ишлар бошқармасига қарашли «Турон юдузлари» бадиий жамоаси ижро этган «Мардона-мардона» кўшиги феҳради биринчи ўринни эгаллади. Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси ходими, ми-

лиция катта лейтенанти Дианура Кутанмуродованинг «Ватан ягона» ҳамда Жижзах вилояти ички ишлар бошқармаси хизматчиси Назира Раҳматованинг «Муқаддас сажда-гоҳ» кўшиқларига иккинчи ўрин насиб этди. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ходими, ички хизмат лейтенанти Қувват Шарипов ижро этган «Ўзбекистон» ва Тошкент шаҳар ИИБ давлат автомобиль назорати хизматчиси Бахтиёр Иброҳимов қуйлаган «Нурли манзил посбоналаримиз» кўшиги учинчи ўринга муносиб деб топилади. Шунингдек, танлов совридорларига ҳам вазибаларнинг махсус диплом ва қимматбаҳо совғалари топирилади. Биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар тўғридан-тўғри республика кўшиқ танловида иштирок этишлари маълум қилинганда муҳташам зал оқиниларга тўлиб кетди.

Ҳа, ўзбек халқи — санъатсевар халқ. Унинг бағри истеъодларга тўла. Ана шундай истеъодларни излаб топиб, уларнинг ижодида баҳраманд бўлишимизда мана шундай байрамларнинг аҳамияти бекиёс.

Фағур ШЕРМУҲАММАД, «Халқ сўзи» мухбири.



САЛОҲИДДИН АСОМОВ

Республикада хизмат кўрсатган чорвалор Салоҳиддин Асомов 1997 йил 31 майда 67 ёшида тўсатдан вафот этди.

Салоҳиддин Асомов 1950 йилда Москва ветеринария академиясида тахсил олди. 1955-68 йилларда Қашқадар вилояти «Нишон» наслчилик заводида, Ғузор тумани қишлоқ хўжалиги ҳудудий бошқармасида, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида бир қатор раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатди.

1968 йилдан эса қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи муовини, сўнгра Тошкент вилояти ижрокўм раиси, 1974 йилдан бошлаб Бутунитифок қоракўчилик илмий-тадқиқот институтини директори, 1991 йилдан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги фанлари академияси вице-президенти лавозимларида ишлади.

Салоҳиддин Асомов ўзининг камтарона меҳнатлари туфайли бир қатор орден ва медаллар билан тақдирланган эди. У ўз фаолияти давомида ўнлаб илмий ишлар ва китоблар эди. Олим яратган асарлар ва иxti-рочилик ишлари республика қоракўчилигини ривожлантиришда муҳим омили саналади.

Олим ва салоҳиятли ташкилотчи сифатида республика фаоллари, илмий жамоатчилик ўртасида катта обрў-эътиборга сазовор бўлган камтарин ва камсукум инсоннинг порлоқ хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

Бир гуруҳ дўстлари.

Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кунини Ўзбекистон Республикаси Халқ Банки шу кунда тўғилганларга ўзининг муносиб совғалари билан ҳамкорлик қилишди. 1997 йил 1 июндан бош-

лаб тўғилган болаларнинг ҳар бирига ҳисоб рақам очилиб 1000 сўмдан пул ўтказиладиган бўлинди. Бундай олий ҳимматли ишни улар ўн йилдан бери қадрлаб келишмоқда.

Advertisement for Kodak Express and Hama. Includes text: 'Kodak EXPRESS', 'hama', 'Муҳтарам талбиркор жаноблар!', '«GROSSZET GmbH» компанияси рангли фотография плёнкалари ва суратларни замонавий технология асосида ишлаб бериш бўйича буюртмалар қабул қилиш пунктларини очиб юзасидан ўзаро манфаатли ҳамкорликка таклиф этади.'

Advertisement for 'МАДИНА-Т' stock company. Text: 'ОЧИҚ ТУРДАГИ «МАДИНА-Т» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА: Акциядорлар умумий мажлиси 1997 йил 13 июнь кунини соат 10.00 га кўчирилди. Жамият бошқаруви.'

Advertisement for accounting and auditing services. Text: 'Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси лицензиялик аудиторларни ўқитиш ва тайёрлашни давом эттиради. Янги гуруҳ ўқиши 1997 йил 10 июнда бошланади. Манзил: Тошкент ш., Ниёзбек йўли (собиқ Урицкий кўчаси), 6. Телефонлар: 34-01-87, 35-72-51, 34-90-24.'

Advertisement for 'BYUTI PLUS' insurance. Text: 'Ўзбекистон телевидение компанияси жамоаси Москва радиосининг Ўзбекистондаги мухбири бўлиб ишлаган, республика миқёсидаги пенсионер Эркин РАҲИМОВнинг вафоти муносибати билан марҳумнинг онасига чўқур таяния изҳор этади.'

Advertisement for 'BYUTI PLUS' insurance. Text: 'Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Олий суд масъул ходими Аҳмадхон Муҳамедовга оиди. МАҲМУДА АЛИЕВнинг вафоти муносибати билан чўқур таяния изҳор этади.'

Advertisement for 'BYUTI PLUS' insurance. Text: 'Ўзбекистон телевидение компанияси жамоаси Москва радиосининг Ўзбекистондаги мухбири бўлиб ишлаган, республика миқёсидаги пенсионер Эркин РАҲИМОВнинг вафоти муносибати билан марҳумнинг онасига чўқур таяния изҳор этади.'

Advertisement for 'BYUTI PLUS' insurance. Text: 'Ўзбекистон Республикаси ИИБ Наҳийте ички ишлар бошқармаси раҳбарини ва шаҳарий таркиб бошқарма бошқаруви 1-ўринбосари, милиция полковниги Ш. Қаримовга оиди. Тоғжойб ҚАРИМОВнинг вафоти муносибати билан чўқур таяния изҳор қилади.'

Advertisement for 'Шарқ' newspaper. Text: '«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилади — 00.40 1 2 3 4 5 6'

Advertisement for 'ЎЗЖИҲОВБУТЛАШ' A.J. Text: '«ЎЗЖИҲОВБУТЛАШ» А.Ж. қурилайётган ва тикланаётган иншоотларни ҳамма турдаги ускуна ва буюмлар билан БУТЛАЙДИ. Тел.: 78-84-00, 64-18-98, 64-20-46.'

Advertisement for electrical and mechanical services. Text: 'ҚИЯДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ СОТАДИ: К, Х, НКУ, ГРАТ, ЭЦБ, ВК, ЦГ, ЦВЦ, НД, Д русмли насослар; 50-400 диам. зулфин, жумрак, клапан, вентил; совутич-фреон қурилмаси - 2хм-фу-40; РМУ-1 папжараси, ГПВ-200 градирня; КУ-006, КУ-001 султириш машиналари; газ плиталари; 100 килоло юк лифти, 500 килоло йўловчи ва шифохона лифтлари; г/л 2, 3, 2, 5 тоннали қрантўсин; ДА беаакли устун; қурумга қарши ПМУ-1 магнитли қурилма; ёнингга қарши усқуналар; ВЦ, ВКР, ВЦП-3 вентилаторлари; КВБ, КСК калориферлари; КВУ қопқоғи, сув иситтичлар; қалинлиги 3-5 мм. дераза ойнаси; цемент (вагон). Тел. 64-72-92.'

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper. Text: 'БОШ МУҲАРРИР Аббосхон УСМОНОВ. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. БУДИМЛАР: Парламент 33-57-34; Халқлар 33-07-48; Хуқуқ ва қонунчилик 36-37-85; Иқтисодийёт 36-36-65, 36-07-94; Мағнавият 36-35-60; Тунги муҳарририят 33-10-28; Эълонлар 36-09-25.'